



Газета 2016 йил 2 августдан
ҳафтанинг сешанба ва
жума кунлари чиқади.

Тошкент шаҳри	– 24,6 фоиз;	Наманган вилояти	– 5,2 фоиз;
Тошкент вилояти	– 8,5 фоиз;	Навоий вилояти	– 4,7 фоиз;
Бухоро вилояти	– 6,9 фоиз;	Қорақалпоғистон Республикаси	– 4,4 фоиз;
Самарқанд вилояти	– 6,7 фоиз;	Хоразм вилояти	– 4,0 фоиз;
Фарғона вилояти	– 6,5 фоиз;	Жиззах вилояти	– 2,9 фоиз;
Қашқадарё вилояти	– 5,7 фоиз;	Сирдарё вилояти	– 2,7 фоиз.
Сурхондарё вилояти	– 5,5 фоиз;		
Анджон вилояти	– 5,2 фоиз;		

Тасдиқланган бosh режасига қатъий риоя этилишини таъминлаш мақсадида Қашқадарё вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси томонидан 2022 йил учун вилоят қурилиш бosh бошқармаси билан биргаликда тadbирлар режаси ишлаб чиқилди. Бунда ҳудудлардаги аҳоли пунктларининг бosh режаслари, йўлхоҳлар ва бoshка шаҳарсозлик ҳужжатларига амал қилиниши юзасидан мониторинглар ўтказиш кўзда тутилган.

Навбатдаги манзил вазирилк таркибидаги Навоий ва Самарқанд вилоятларига жойлашган профессионал таълим муассасалари бўлди. Унда Навоий архитектура ва қурилиш техникуми, Самарқанд архитектура-қурилиш техникуми ҳамда Самарқанд қурилиш коллежи устaxonаларидан фойдаланиш унумдорлигини ошириш, устaxonаларда янги иш ўринларини яратиш, ўқувчилар амалиётларини ўташ жараёнида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бюджетдан ташқари маблағ топшиш ишларини кенгайтириш учун қилиш зарур бўлган чора-тадбирлар белгилан олindi.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

2022-2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида

1-БЕГ

1. Кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида “**Харакатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари**” тамойилига асосан ишлаб чиқилган куйидаги **еттита устувор йўналишдан** иборат **2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси** (кейинги ўринларда – Тараққиёт стратегияси) ва уни “**Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили**” да амалга оширишга оид давлат дастури (кейинги ўринларда – Давлат дастури) 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин:

инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш; мамлакатимизда **адолат** ва **қонун устуворлиги** тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш; миллий иқтисодийнинг **жадал ривожлантириш** ва **юқори ўсиш суръатларини** таъминлаш;

адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш; **маънавий тараққиётни таъминлаш** ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш; миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда **умумбаشارий муаммоларга ёндашиш**;

самолакатимиз **хавфсизлиги ва мудо-фаа соҳаларини кучайтириш, очик, прагматик** ва **фаол ташқи сиёсат** олиб бориш.

2. Тараққиёт стратегиясидан инсон қадрини улуғлашга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя сиёсати бўйича белгиланган вазифалар доирасида:

а) 2026 йилга қадар эҳтиёжманд аҳоли ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам билан тўлиқ қамраб олинсин.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С. Холхўжаев), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р. Маматов) ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) билан биргаликда **уч ой мuddатда** қуйидагиларни назарда тутувчи аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий стратегияси лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

ижтимоий ҳимоя соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш; ижтимоий сугурта тизимини яратиш, жумладан, ижтимоий сугурта жағмармасини ташкил этиш;

кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам ва хизматларни ижтимоий шартнома асосида тақдим этиш;

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида ёрдамга бўлган аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича алоҳида маълумотлар базасини яратиш, жумладан, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”ни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” билан интеграция қилиш;

б) Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида биринчи-тўртинчи синф ўқувчиларини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **беғул овқат (нонушта ёки тушлик) билан таъминлаш** йўлга қўйилсин.

Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев), Молия вазирлиги (Т. Ишметов) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда **икки ой мuddатда** 2022 йил 1 апрелдан бошлаб биринчи-тўртинчи синф ўқувчиларини беғул овқат билан таъминлашни ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда лойиҳада ажратиладиган маблағлар сарфланшини устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва коррупциявий омилларнинг олдини олиш бўйича аниқ механизмлар назарда тутилсин;

в) **2023 йил 1 январдан бошлаб** пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробаридан ўн икки баробаригача оширилсин.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) **уч ой мuddатда** Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги” қонунига қуйидаги ўзгартиришлар киритилишини назарда тутувчи қонун лойиҳасини киритсин:

аёлларга пенсия ҳисоблашда уларнинг болани парваришлаш таътилида бўлиш вақтининг ҳаммасини жамлаганда иш стажига қўшиб ҳисобланадиган 3 йиллик даврни 6 йилга ошириш;

болаликдан ногиронлиги бўлган болаларга 18 ёшгача қаралган даврни пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисоблаш.

3. **Маҳалланинг “фаол” моделини** жорий этиш, уни аҳоли **муаммоларини бевосита ҳал қилиш** ҳамда ҳудудни ривожлантириш учун зарур ресурс ва имкониятлар билан таъминлаш мақсадида **2022 йилда**:

маҳаллаларда янги институт сифатида жорий қилинган тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) **ҳокими ёрдамчилари** ҳамда **ёшлар етакчилари** фаолияти самарали йўлга қўйилсин;

барча даражадаги раҳбарлар маҳаллага тушиб, ўз йўналиши бўйича **муаммоларни ўрганиши** ва **уларга ечим топиши тартиби** жорий этилиб, камбағалдаги ишларнинг ҳолати вазирили, идора ва ҳокимликлар фаолиятини **баҳоланишнинг бош мезони** сифатида белгилансин;

маҳалладан туриб барча давлат органларига муурожаат қилиш ва уларнинг раҳбарлари билан мулоқот қилиш тизими яратилиб, давлат ва ижтимоий хизматлари бевосита маҳаллада кўрсатиш, шу жумла-

дан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали алоқаларни йўлга қўйиш орқали маҳаллаларнинг халқ олдидаги нуфузи оширилсин; маҳаллаларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари қайта кўриб чиқилиб, молиявий имкониятлари кенгайтирилсин;

маҳаллаларнинг “**ўсиш нуқталари**” ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги иxtисослашувидан келиб чиқиб, уларда истиқомат қилиб, фаолият юритувчи аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлиги оширилсин;

маҳалла ҳудудида давлат-хусусий шериклик асосида **спорт ва маданий иншоотлар, ижодий клублар, бандликка кўмаклашиш ва ўқитиш марказлари**, тадбиркорлик объектлари каби инфраструктурани яратиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилсин; маҳаллани жойлардаги вакиллик органлари билан доимий алоқаларининг ҳуқуқий асосларини яратиш, шу жумладан, маҳалла раисни томонидан маҳаллий **Кенгаш мажлисида кўрилиши мажбурий бўлган масалаларни киритишнинг** самарали механизми янги йўлга қўйилсин;

фуқаролар томонидан маҳалла раисига нисбатан **ишонсизлик билдириш институти** жорий этилсин.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р. Маматов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (М. Ўбайдуллаев) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой мuddатда** кенг жамоатчилик, шу жумладан, маҳалла тизимида кўп йиллик иш стажига эга ҳодимларни жалб қилган ҳолда маҳалла фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар давлату ва янгиланган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”-ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Тараққиёт стратегиясидан **таълим сифатини ошириш** бўйича белгиланган вазифалар доирасида 2022 йилда:

а) **1 апрелдан бошлаб** нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга фарзандларини юбораётган ота-оналарнинг ойига **3 миллион сўмгача** бўлган тўловлари **даромад солигидан озод** этилсин.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси (Ш. Кудбиев) билан биргаликда **икки ой мuddатда** Солиқ кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритишнинг назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) ўрта таълим тизимини замон талабларига мослаштириш мақсадида:

умумий ўрта таълим муассасаларида **дарсликларни янгилаш** дастурини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан **605 миллиард сўм** ажратилсин;

141 мингта янги ўқув ўринлари яратилсин ва уларнинг сони **2026 йил якунига қадар 6,4 миллионгача** етказилсин.

Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов) Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда янги ўқув ўринларини яратиш ва мактаб ўқувчиларини касб-хунарга ўқитиш бўйича чораларни кўриб бориш.

5. Тараққиёт стратегиясидан **аҳоли сало-матлигини таъминлаш** бўйича белгиланган вазифалар доирасида 2022 йилда:

а) ҳудудларда бирламчи тиббий хизматини “**бир қадам**” тамойили асосида йўлга қўйиб, **105 та оилавий шифокор пункти** ва **31 та оилавий поликлиника** ташкил этилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳудудларда тегишли қурилиш ишларини **2022 йил якунига қадар** якунлаш бўйича амалий чораларни кўрсин;

б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) Молия вазирлиги (Т. Ишметов) билан биргаликда **икки ой мuddатда** хусусий тиббиёт ташкилотларида Давлат бюджети ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволашга йўлланашнинг электрон ахборот тизими орқали уларга беғул тиббий хизматларни кўрсатиш механизми жорий қилинишини таъминласин.

6. Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов) ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Президент таълим муассасалари агентлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда **2022 йил 1 июлга қадар**:

2022 йилда иқтидорли ўқитувчи ва шифокорларнинг иш ҳақларини малака тоифасига қараб табақалаштирилган ҳолда ошириш;

халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда ўқитувчи ва шифокорларга малака тоифаларини бериш тартиби тубдан қайта кўриб чиқилишини таъминласин ҳамда малакани баҳолаш услубиёти асосида адолатли ва шаффоф тизимни жорий этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Тараққиёт стратегиясидан миллий иқтисодийнинг **жадал ривожлантириш** ва **юқори ўсиш суръатларини** таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар доирасида:

а) 2022 йилда йиллик **инфляция** даражасини **9** фоизгача ва 2023 йилда **5** фоиз ҳамда **фискал тақчилликни 3** фоизгача пасайтириш чоралари кўрилиб, кейинчалик инфляция ва Давлат бюджети тақчиллиги

ушбу кўрсаткичдан ошмаслиги таъминлаб борилин.

Бунда давлат улушига эга **тижорат банкларида трансформация** жараёнларини якунлаб, **2026 йил якунига қадар** банк активларида хусусий сектор улуши **60** фоизгача чиқарилсин.

Вазирлар Маҳкамаси (Ж. Кўчқоров) Марказий банк (М. Нурмуратов) билан биргаликда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича амалий чораларни **доимий равишда** кўриб бориш;

б) **2023 йилдан қўшилган қиймат солиғи** ставкаси 12 фоизгача ҳамда банк, молия ва телекоммуникация каби тадбиркорлик йўналишларида **фойда солиғи** ставкаси 15 фоизгача **туширилсин**.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси (Ш. Кудбиев) билан биргаликда **2022 йил 1 сентябрга қадар** Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишнинг назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) “**Яшил иқтисодиёт**” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш орқали 2026 йилга қадар иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш ва хавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини 20 фоизга қисқартириш чоралари кўрилин.

Ушбу кўрсаткичларга эришиш мақсадида қуйидаги лойиҳалар Вазирлар Маҳкамасига киритилсин:

Энергетика вазирлиги (А. Султанов), Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров) **2022 йил 1 мартга қадар** – қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий, тижорат ва маъмурий-маиший бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш дастурлари;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б. Абдиназаров), Энергетика вазирлиги (А. Султанов) **2022 йил 1 июнга қадар** – сановат тармоқларида йўқотишларни камайтириш ва ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ошириш бўйича “яшил иқтисодиёт”га ўтиш ва энергия тежамкорлигини таъминлаш дастури ҳамда электромобиллар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишни рағбатлантириш тизимини яратиш бўйича қарор.

8. Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ тумани учун махсус солиқ ставкаларини ўрнатиш тажрибаси асосида шароити “оғир” бўлган туманларда тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча қулайликлар яратиш ишлари давом этирилсин.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси (Ш. Кудбиев) билан биргаликда **2022 йил 1 октябрга қадар** шароити “оғир” бўлган ҳудудларда 2025 йил 1 январгача янги ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларига айланмадан олинадиган солиқ ставкаси 1 **фоиз** ставкада ҳамда юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлари ҳисобланган суммадан 1 **фоиз** ставкада тўлаш тизимини жорий этиш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. 2022 йилдан бошлаб босқич-ма-босқич **тадбиркорликка оид барча мажбурий талабларни ягона электрон реестрга киритиш** тартиби жорий этилсин ҳамда такорланувчи ва ўз аҳамиятини йўқотган мажбурий талаблар қайта кўриб чиқилиб, **ягона реестр 2025 йил 1 июлдан бошлаб тўлиқ ишга туширилсин**.

Адлия вазирлиги (Р. Давлетов) Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Д. Қосимов) ва Савдо-сановат палатаси (А. Икрамов) билан биргаликда **уч ой мuddатда** тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талаблар хатловдан ўтказиб, уларни қайта кўриб чиқиш ва тегишли йўналишлар бўйича ягона реестрга киритиш ҳамда ушбу реестрни 2025 йилга қадар **тўлиқ ишга тушириш** юзасидан тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

10. **2022 йил 1 апрелга қадар** тадбиркорлик субъектларида масофавий (онлайн) фаолият кўрсатиш имкониятларининг мавжудлигидан ҳамда уларнинг иxtисослашуvidан келиб чиқиб, лицензия ва бошқа рухсат этувчи ҳужжатларни олиш тартиб-таомиллари қуйидагиларни инобатга олган ҳолда соддалаштирилсин:

айрим фаолият турларига фақат малакавий талабларни белгилаш орқали бино ва иншоот, хона, асбоб-ускуна, техника воситалари, бошқа жиҳозлар ҳамда уларга бўлган шартларни бекор қилиш;

фаолият йўналишидаги эҳтиёждан келиб чиқиб мутахассисни танлаш ҳуқуқини бериш орқали штатда мавжуд бўлиши шарт бўлган ҳодимларга бўлган талабларни қайта кўриб чиқиш;

муайян фаолият билан кўчма тартибда, шу жумладан, автотранспорт воситаларини фойдаланган ҳолда шугўлланган имкониятини яратиш;

хизмат кўрсатиш мамлакат ҳудудидан ташқарисида амалга оширилиши сабабли хориждан келган бюртмолар бўйича миллий стандарт ва талабларни бекор қилиш; “боғловчи-оператор” сифатида масофавий хизмат кўрсатишга иxtисослашган тадбиркорлик субъектлари (агрегаторлар) фаолиятига доир махсус шартларни белгилаш орқали айрим лицензия ва бошқа рухсат этувчи ҳужжатларни олиш бўйича талабларни бекор қилиш.

Адлия вазирлиги (Р. Давлетов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини

ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой мuddатда** лицензия ва рухсат этувчи ҳужжатлар талабларининг мазкур бандга мувофиқ қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

11. Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва **хусусий сектор учун кенг йўл очиш** мақсадида эсклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш ва давлат иштирокидаги компанияларни хусусийлаштириш ҳисоби-га **25 дан ортиқ фаолият тури бўйича монополиялар** тугатилсин:

2022 йилда – 14 та, шу жумладан, сертификатлаштириш хизматлари; **2023-2025 йилларда** – 11 та, шу жумладан, нефть маҳсулотларини сақлаш, темир йўлларда ташмида қўшимча хизматларни кўрсатиш, аэровокзал ва вокзал олди комплексларини юритиш хизматлари, темир йўлда экспедиторлик хизматлари.

12. Тараққиёт стратегиясидан **ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш** бўйича белгиланган вазифалар доирасида **ҳудудлар билан ишланнинг** қуйидагиларни назарда тутувчи **янги тартиби** ўрнатилсин:

2022-2026 йилларга мўлжалланган ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар асосида ҳар йили барча **туман ва шаҳарнинг муаммо** ва **имкониятларини** чуқур ўрганган ҳолда ҳудудлар кесимида тараққиёт дастурлари ишлаб чиқилади;

ҳар чорак якуни бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари **ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларидаги** вазифаларнинг бажарилиши юзасидан халқ депутатлари Кенгашларига, Бош вазирнинг ўринбосарлари ҳамда вазирлик ва идоралар раҳбарлари эса Олий Мажлис палаталарига ҳисоб беради;

ижтимоий-иқтисодий соҳани слоҳ қилиш ва устувор тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилган **муҳим лойиҳалар** барча ҳудудларнинг талаблари ва маҳаллий ташаббускорларнинг тақлифларини инобатга олган ҳолда **маҳаллий жамоатчилик иштирокида кенг муҳокама қилингандан кейин** қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамаси **бир ой мuddатда** 2022-2026 йилларга мўлжалланган республиканинг ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар лойиҳаларини тасдиқласин.

13. Давлат бошқаруви органларининг “**Давлат – инсон учун**” тамойили асосида **ҳудудий масалаларни ҳал қилишдаги масъулияти** ва **жавобгарлигини кучайтириш** ҳамда уларнинг стратеги йўналишлари ни режалаштиришга қаратилган янги тизим яратиш мақсадида:

маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) **ҳокими ёрдамчилари** ҳамда **ёшлар етакчилари** томонидан доимий равишда маҳаллани ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасига ҳура уларни ривожлантириш бўйича “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш амалиёти йўлга қўйилсин;

барча бўғиндаги давлат бошқаруви органларининг бир йиллик иш дастурини, шу жумладан, жамоатчилик иштирокида ишлаб чиқиш, уларнинг ижро ҳолатини доимий эълон қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилсин; давлат органларида муурожаатларни таҳлил қилиш, ижтимоий сўровлар ва жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиш натижалардан келиб чиқиб, ҳудудлар (туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла) кесимида ўз тузилмаларининг фаолияти бўйича дастурлар ишлаб чиқилиб, эълон қилиб борилин;

давлат бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг ижро этилиши жараёнини жамоатчилик томонидан кузатиб бориш, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида мунтазам эълон қилиб бориш тизими яратилсин;

ҳар бир тармок ва ҳудуд бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси юзасидан раҳбарларнинг ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилсин.

Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **тўрт ой мuddатда** мазкур бандда назарда тутилган тизимни самарали йўлга қўйиш юзасидан қарор лойиҳасини киритсин.

14. Давлат хизматлари қамрови ва тежорлигини ошириш, уларнинг кўрсатиларида аҳолининг барча қатламлари манфаатлари инобатга олинишини таъминлаш мақсадида **2022 йилда**:

фуқароларга ҳужжатларни бериш ва алмаштиришда, шунингдек, ўзаро боғлиқ давлат хизматларини муурожаатни кутмасдан тақлиф этиш амалиёти йўлга қўйилсин;

“**Фуқароларнинг рақамли паспорт**” лойиҳасини жорий қилиш ҳисобига аҳолидан туғилганлик тўғрисида ва ҳайдовчилик гувоҳномалари, шаходатнома ва диплом каби муайян фактни тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилиш амалиёти бекор қилинсин;

кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш тизимини соддалаштириш ва уларга замонавий технологияларни жорий этиш орқали қўшимча қулайликлар яратилсин.

Адлия вазирлиги (Р. Давлетов) ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов) **2022 йил 1 октябрга қадар** давлат хизматлари тизимини халқга янада яқинлаштириш, навбатларни қисқартириш, давлат секторларни рақамлаштириш ва хусусий секторга ўтказиш чораларини на-

зарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Тараққиёт стратегиясидан **адолат** ва **қонун устуворлигини таъминлаш** бўйича белгиланган вазифалар доирасида **2022 йилда**:

ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга жиноят ишлари билан бир қаторда фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича ҳам давлат ҳисобидан **беғул юридик ёрдам кўрсатиш** тартиби жорий этилсин;

қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ноқонуний эмаслигини маъмурий судда исботлаш мажбуриятини, уни қабул қилган мансабдор шахснинг ўзига юклаш тартибига амал қилиниши қатъий таъминлансин;

ҳаракатланлиш эркинлиги чекланган шахсларни ҳисобга олиш бўйича ягона онлайн электрон реестр юритилиши йўлга қўйилсин.

16. Жазони ўтаб бўлган фуқароларнинг келгусида жамиятда ўз ўрнини топишига амалий кўмаклашиш учун “**дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети**”ни бериш тизими жорий қилинсин.

Ушбу тизим доирасида жазони ўтаб бўлган ва ўзининг тадбиркорлик, меъморчилик, хунармандчилик каби йўналишларда аниқ лойиҳаларни тақдим этиб, м

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар учрашуви



Райхона ХҲЖАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Жамшид Қўчқоров раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар вазирлик ва идоралари раҳбарларининг камбағалликни қисқартириш масалалари юзасидан онлайн шаклда учрашув ташкил этилди.

Унда ШХТ Бош котиби Чжан Мин, бошқа тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, шунингдек, Ҳиндистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси вакиллари, Хитой Халқ Республикасининг Қишлоқ жойларини қайта тиклаш бўйича миллий бошқарма директори ўринбосари Хун Танюн, Қирғизистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий тараққиёт вазири ўринбосари Базарбаев Нурдоолот Сатыбекович, Покистон Ислом Республикасининг ижтимоий ҳимоя ва камбағалликка қарши кураш масалалари бўйича бош вазир махсус ёрдамчиси доктор Саняя Ништар, Россия Федерацияси Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазирининг биринчи ўринбосари Ольга Юрьевна Баталина, Тожикистон Республикасининг иқтисодий тараққиёт ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари Солеҳзода Ашурбой иштирок этди.

Тадбирнинг очилиш маросимида ШХТ Бош котиби Чжан Мин сўзга чиқиб, муайян соҳаларда камбағалликни қисқартириш йўналишлари ва қўлланиладиган механизмлар юзасидан тажриба ҳамда маълумот алмашиш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Учрашувда сўзга чиққан Жамшид Қўчқоров иштирокчиларни сўнгги йилларда Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш соҳасида амалга оширилган ишлар билан таништирди ва ушбу чора-тадбирлар ШХТ ҳамда БМТ саммитларида илгари сурилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари доирасида амалга оширилаётганини таъкидлади. Хусусан, иштирокчилар соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш ва иқтисодиётнинг реал секторидagi корхоналарни қўлаб-қувватлаш каби 3 та асосий йўналишлар билан таништирилди.

Шунингдек, учрашувда камбағалликни қисқартириш бўйича янги дастурни амалга оширишнинг асосий институционал асосларини яратиш ва мустаҳкамлаш юзасидан бажарилган ишлар кўрсатиб ўтилди. Хусусан, 2020-2021 йилларда давлат бюджети ҳисобидан нафақа оладиган oilалар сони 2 баробарга ошди, уларнинг улуши қарийб 15 фоизга етди. Камбағаллик даражасини белгилашда янги меzon – минимал истёъмол харажатлари жорий этилди. Бу ижтимоий тўловлар ва имтиёзларнинг минимал даражасини қайта кўриб чиқишга имкон берди. Масалан, 2021 йилда имкониятни чекланган инсонлар учун энг кам пенсия ва нафақа турлари, шунингдек, боқувчисини йўқотган oilаларга бериладиган нафақалар миқдори 10-50 фоизга оширилди.

Учрашувда самарали ҳамкорликни

йўлга қўйиш, бир қатор мамлакатлар ва халқро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш пандемия оқибатларини қисқартириш учун зарур чоралар ҳамда қарорлар қабул қилиш жараёнида муҳим аҳамият касб этиши aloҳида таъкидланди.

Тадбир давомида томонлар ШХТга аъзо давлатларда камбағалликни қисқартиришга доир қўлланиладиган чора-тадбирлар, мақсадлар ва янги ёндашувлар, бу соҳада тажриба алмашиш ҳақида фикр алмашдилар. Шунингдек, ташкилотга аъзо давлатларнинг тегишли соҳаларда, шу жумладан, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича қўшма тадқиқотларини ташкил этиш ва камбағалликни қисқартириш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари каби масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Ахборот хизматининг маълум қилишича, учрашувда ўзбек томони камбағалликни қисқартириш соҳасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган қуйидаги чора-тадбирларни тaклaф этди:

биринчидан, ШХТ мамлакатларининг камбағалликни қисқартириш соҳасидаги узлуксиз ҳамкорлигини йўлга қўйиш, шу жумладан, мазкур йўналишда доимий тажриба алмашиш механизмини ҳамда камбағалликни қисқартиришнинг самарали усуллари н жорий этиш;

иккинчидан, ШХТнинг барча мамлакатлари манфаатларига тўғри келадиган камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ташкилот доирасидаги ҳужжатни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш;

учинчидан, ШХТ мамлакатларида камбағалликни қисқартириш бўйича мутахассислар учун семинарлар, мастер-класслар, тренинглар ташкил этиш. Мазкур тадбирлар камбағалликни қисқартириш, уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича инновацион воситаларни жорий этишга хизмат қилади.

Шунингдек, иштирокчилар ШХТга аъзо давлатларда амалга оширилаётган устувор йўналишлар юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Тадбир қатнашчилари жорий йилнинг май ойида ШХТ доирасида камбағалликни қисқартириш масалаларига бағишланган халқаро конференцияни ШХТга аъзо давлатлар вакиллари, кузатувчилар ва ҳамкорларнинг тақлифига биноан ташкил этиш бўйича Ўзбекистон томонини ахборотини маъқуллаб, қабул қилдилар. Шунингдек, конференцияга халқаро молия институтлари ва ташкилотлари экспертларини тақлиф қилиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Учрашув якунида томонлар тақлифларини инобатга олган ҳолда, ШХТга аъзо давлатларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши учун камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича англашув меморандуми лoйиҳасини ишлаб чиқишга келишилди. Шунингдек, бу соҳага инновацион воситаларни жорий этиш мақсадида ШХТнинг манфаатдор мамлакатларида камбағалликни қисқартириш бўйича мутахассислар учун конференция, семинар, мастер-класс ва тренинглар ташкил этиш тақлифи маъқулланди.

да яна 8 та худди шундай кўп қаватли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. Бундан ташқари "Дўстлик" МФЙ худудида "Янги Ўзбекистон" массивини ташкил этиш учун лoйиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди.

Бу борада хусусий секторлар томонидан кўп қаватли турар жой бинолари қурилишига катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда Япония шаҳридаги Кулибек маҳалласида "Уаурап Elit House" МЧЖ томонидан 5 қаватли 134 хонадонли, "Зиёкор" кўчасида "Зумрад Зма" МЧЖ томонидан 7 қаватли, 100 хонадонли, "Ҳайдаробод" МФЙ худудида "Яйпан Қурилиш Инвест" МФЖ томонидан 5 қаватли уй-жойлар қуриш ишлари жадал суръатларда олиб бoриляпти.

Ушбу қурилиш жараёнларини коммуникация тармоқлари билан таъмин-

ПОЙТАХТ ЮКСАЛИШДА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Наргиза МИРЁҚУБОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Тошкентнинг таригини еган чумчуқ Маккадан қайтиб келади, деган гап бекорга айтилмаган. Чунки Тошкентга келиб, унинг бир-биридан кўркам бинолари, замонавий кўприклари, кўнгилочар масканлари ва обод кўчаларини томоша қилишни истамаган юртдошимиз топилмаса керак. Зеро, кун сайин дунёнинг энг замонавий ва архитектура жиҳатдан муҳташам шаҳарларидан бирига айланиб бораётган гўзал пойтахтимиз ҳар куни юксалишда давом этмоқда.

Тошкент – Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган, 2000 йилдан кўпроқ шoнли тарихга эга, бугунидан умиди катта йирик мегаполис. Теграсида айланаяётган йиллар Тошкентни том маънодаги илғор, замонавий шаҳар, юксак тамаддуңлар чорраҳаси, шунингдек, бутун минтақанинг энг муҳим марказига айлантирди.

Яқинда юртбошимиз пойтахтдаги бунёдкорликлар билан танишганидан хабарингиз бор. Танишув жараёнида Президентимиз энг аввало, Tashkent Central Park ва Tashkent City Mall мажмуаларининг қурилиш лoйиҳаларини кўздан кеңирди.

Tashkent Central Park мажмуаси – Шахрисабз ва Амир Темур شوҳқўчалари кесишмаси ёнида қад ростламоқда. Ушбу инвестиция лoйиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 декабрдаги қарорига мувофиқ амалга оширилмоқда. Мажмуа учта 15 қаватли бинодан ташкил топади. Уларда беш юлдузли меҳмонхона, бизнес офислар, конференция зали, савдо шохобчалари, ресторoнлар бўлади. Атрофда ландшафт дизайни бoғ, ер остида икки қаватли автотурагоҳ барпо этилади.

Айни пайтда биноларнинг асоси тикланган бўлиб, қурилиш-монтаж ишлари давом этмоқда.

– Бу лoйиҳа кўп функцияли, – деди "Tashkent Central Park" лoйиҳа менежери Меҳмет Саваш. – Учта бинодан



иборат бу мажмуада 1- ва 2-бинолар офислар, 3-да эса меҳмонхона ва анжуманлар маркази жойлашади. Яна бир жиҳати, лoйиҳа қурилиш жараёнларида тўлиқ экологик стандартларни ҳисобга олганимизни тасдиқловчи сертификатга ҳам эгамиз. Офислар учун белгиланган бино А синфдаги бинолар тоифасидан бўлиб, бутун Ўзбекистон бўйича ўхшаши бўлмаган иншоот бўлади, дея оламан. Анжуманлар марказида эса келгусида пойтахтдаги нуфузли учрашувлар ўтказилиши кўзда тутилмоқда. Ҳозирча қурилиш жараёнларининг 48 фоизи якунланди. Ҳозирда муҳандис-технологлар томонидан иш олиб бoрилмоқда. Қурилиш жараёнларини тез орада нiҳoҳсига етказиш ниятидамиз.

Мажмуа 2023 йилда қуриб битказилиши мўлжалланган.

Бундан ташқари, юртбошимиз пойтахтдаги яна бир юксалишлардан нишона сифатида Олмазор кўчасида барпо этилаётган Tashkent City Mall мажмуаси қурилиши билан ҳам яқиндан танишди. Бу ерда 29 қаватли меҳмонхона, 30 қаватли бизнес маркази, 4 қаватли савдо-кўнгилочар шохобчалар биноси қурилмоқда. Уларнинг қурилиши жадал давом этиб, иншоот 2023 йилгача ишга туширилиши кутиляпти. Мажмуа

минтақамиздаги энг йирик савдо марказларидан бири бўлиши, унда ва турдош соҳаларда 10 мингта янги иш ўрни яратиш мумкинлиги кутилмоқда.

– Мақсадимиз Ўзбекистонда инвестицион салоҳиятни янада юксалтириш учун ҳисса қўишидир, – деди мажмуа лoйиҳаси менежери Илья Ляпустин. – Лoйиҳа кўп тармоқли бўлиб, ўз ичига нафақат савдо маркази, балки люкс тоифали меҳмонхона, ва турли кўнгилочар масканларни ҳам қамраб олади. Тепа қаватдан жаҳон бўйича брендларнинг 300 дан ортиқ дўконлари юқи олади. Бу эса, ўз навбатида, хориж компанияларининг Ўзбекистонда фаолият юритишлари учун муносиб шароит яратишга хизмат қилади. Мажмуанинг 70 фоиз худуди савдо, қолган қисми шаҳарга кўрк бeриб турувчи кинотеатр, кафе ва ресторoнлар учун мўлжалланади. Германия ва Туркиядан келган йирик қурилиш компаниялари билан ҳамкорликда барпо этилаётган мажмуада энг замонавий, тежамкор қурилиш материаллари ва конструкциялардан фойдаланилмоқда.

Мажмуанинг қиймати 400 миллион долларга тенг бўлиб, қурилиш ишларининг биринчи бoсқичи шу йилнинг сентябрь ойида тугатилади. 2023 йилнинг мартида эса шаҳримизда яна бири йи-

рик мажмуа фойдаланишга топширилади. Энг муҳими, комплекснинг ишга тушиши билан яна минглаб одамлар учун янги иш ўринлари ташкил этилади.

Президентимиз Тошкент шаҳар ҳокимлигида барпо этилган вазиятларни бошқариш марказини ҳам бoриб кўрди. Ушбу марказ аҳолига замонавий хизмат кўрсатиш мақсадида ташкил этилган бўлиб, 110 миллиард сўм маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан 4 қаватли бино 4000 квадрат метрдан ортиқ майдонда қурилган. 60 та сервер, катта ҳажмли кузатув экрани, компьютерлар билан жиҳозланган. Марказ электр энергияси, табиий газ, сув ва иссиқлик таъминоти, йўл, транспорт, жамоат хавфсизлиги каби 60 дан ортиқ соҳа идораларининг биллинг тизими ва порталлари билан интеграция қилинган. Бу орқали мазкур соҳалардаги маълумотлар, барча маҳалла ва кўчалардаги ҳолат геолокация орқали аққол қуришиб туради. Туманларга бириктирилган мутахассислар буни онлайн режимда кузатиб боради ва зарур пайтда тезкор хизмат кўрсатади.

Бундан ташқари, ситуацион марказ шаҳар инфратузилмасини таҳлил қилиш ва режалаштириш каби стратегик масалалар билан ҳам шуғулланади. Масалан, қаерда шифохона, мактаб ё болалар бoғчаси қуриш, қайси йўл ёки муҳандислик тармоғини таъмирлаш зарурлиги тўғрисида ҳулоса бeради. Марказда 100 нафарга яқин малакали мутахассислар ишлаяпти. Юртбошимиз ушбу марказ тажрибасини бошқа ҳудудларда ҳам жорий қилишга кўрсатма бeрди.

Қайси юртда бунёдкорлик кўп бўлса, ўша ерда тинчлик, фаровонлик, тўқин-сочинлик бўлади. Юртимиз юраги – Тошкент шаҳридаги ҳар бир янги мажмуа энг аввало, шу халқ учун, унинг фарзандлари учундир. Зеро, юртбошимиз бунёдкорликларни кўздан кеңириш жараёнида таъкидлаганидек, буларнинг барчаси энг аввало, халққа қулай муҳит ва яхши шароит яратиш, уларнинг муносиб ҳордиқ чиқариши учун барпо этилмоқда. Юқорида келтирилган янги бунёдкорлик намуналари эса бу фикрнинг амалдаги исботидир.

Ҳайъат йиғилишида муҳим масалалар муҳокама қилинди

Райхона ХҲЖАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирликнинг марказий аппарати, бошқарма бошлиқлари, ҳудудий бошқармалар масъуллари иштирок этдилар.



Кун тартибидан ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимини таъминлаштириш, кўп квартирالي уй-жой фонди ҳолати, иссиқлик таъминоти соҳасида 2021 йилнинг якуни билан амалга оширилган ишлар, мавжуд муаммо ҳамда 2022 йилда бажарилиши лoзим бўлган энг муҳим йўналишлар, коммунал соҳага ахборот технологияларини жорий этиш, ижро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишни таъминлаш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари таҳлили ўрин олди. Шунингдек, ҳудудий бошқарма бошлиқларининг ҳисobotлари тингланди.

Ҳайъат йиғилишида Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Шерзод Ҳидоятoв сўзга чиқиб, мавжуд муаммо ва камчиликлар юзасидан ўз фикрини билдирди. Хусусан, у ўз сўзида энг асосий вазифа аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш эканини таъкидлаб, шундай деди:

– Коммунал хизмат кўрсатиш юртдошларимиз кайфиятига тўғридан-тўғри таъсир этувчи муҳим соҳадир. Соҳадаги мавжуд муаммолар тизим фаолиятини тезкорлик билан ислохотлаштиришни талаб этмоқда. Шунингдек, Президентимиз ва Ҳукумат топириқлари ҳамда Давлат дастурларида белгиланган вазифаларни сифатли ва ўз мuddатида бажариш oлдимиздаги турган устувор вазифадир. Аммо 2021 йилда айрим тегишли мутасаддилар томонидан сусткашлик ва масъулиятсизликка йўл қўйилди. Жорий йилда бу камчиликларни бартараф этиб, янада шиддат ва ғайрат билан ишлашимиз керак.

Ҳайъат йиғилишида Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири ўринбосари Қурбoн Турсунов ҳам сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди:

– Жорий йилнинг 25 январь куни республика электр таъминотида кузатилган узилишлар натижасида тизимдаги барча қозонхоналар фаолияти тўхтади. Натижада 13,5 мингдан ортиқ кўп қаватли уй иссиқлик таъминотидан узилди. Ушбу вазиятда тизимдаги қатор муаммоларимиз яққол кўриниб қолди. Хусусан:

оддийгина қозонхоналар тўғрисидаги маълумотларни тезкор узатиб туришда ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилган. Айниқса, мана шу жараёнда Тошкент ва Хоразм вилоятлари жуда суст ишлагани маълум бўлди; вилоят штабига бириктирилган мутахассислар худуддаги қозонхоналар ва улар томонидан иссиқлик энергияси билан таъминланаятган кўп қаватли уйлар тўғрисида маълумотга эга эмас. Мисол учун, Наманган вилоятини оласак. Бугунги кунга келиб, худудлардаги барча қозонхоналаримиз ўз иш фаолиятини тиклади, хусусан, фойдаланишда бўлган 493 та қозонхоналардан 488 таси истёъмолчиларни иссиқлик энергияси билан таъминламоқда.

Бундан ташқари, йиғилишда соҳага замонавий технологияларни жалб этиш, хусусан, АКТни жорий қилиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. "Менинг уйим" биллинг тизимига уланишда сусткашлик қилаётган ҳудудий мутасаддилар танқид остига олиниб, қатъий оғохлантирилди.

Вазирлик Ҳайъат йиғилишида барча қўйилган масалалар таҳлилий-танқидий кўриб чиқилди. Аҳоли билан ишлаш, мавжуд муаммоларни ўз вақтида бартараф қилиш бўйича тизим мутасаддиларининг жавобгарлиги яна бир бор эслатиб ўтилди. Шунингдек, йиғилишда жисмоний ва юридик шахслардан, шу жумладан ижтимоий тармоқлар орқали келиб тўшаётган мурожаатлар ижросини ўз мuddатида таъминлаш вазифаси қўйилди. "Ижро.gov.uz" электрон тизими орқали бўлаётган барча топириқларни сифатли ва ўз мuddатида бажариш лoзимлиги айтилди. Вазирлик ҳузуридаги Уйжойфондиспекция ҳамда Сувинспекция фаолиятини жонлантириш бўйича ҳам топириқлар берилди.

Ҳайъат йиғилиши якунида галдаги муҳим ишларга белгилар олинди.

Бухоро вилояти

Муаммолар мулоқотларда ечим топяпти

Мирзақул АҲАДОВ,
журналист.

Юртимизда қишлоқ ва маҳаллаларни обод қилиш, халқнинг турмуш даражасини ошириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар Гўнждувон туманининг олис ҳудудларида яшашётган юртдошларимиз ҳаётида ҳам ўз аксини топмоқда.

Туман марказидан 20 километр узоқликда жойлашган, ижтимоий-иқтисодий аҳоли оғир дея баҳоланган Оқработ маҳалласида айни пайтда кенг кўламли ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди.

– Бажарилаётган ишлар ҳамда аҳоли билан мулоқот қилиш орқали муаммоларни ўрганиш мақсадида вилоят ҳокими сектор раҳбарлари корхона ва ташкилотлар масъуллари ҳамроҳлигида маҳалламизда бўлишди, – деди маҳалла раиси Қобил Расулов. – Улар фуқароларимизнинг дарду ташвишлари, муаммоларини ўрганиб, барчасини шу ернинг ўзида ҳал этишди.

Бундан ташқари, ишчи гуруҳи маҳалланинг янги идорасини қуриб, фойдаланишга топшириш, ишсиз



фуқаролар бандлигини таъминлаш ва кредит маблағлари ажратиш бўйича мутасаддиларга кўрсатма берди.

Хозирда маҳалланинг 650 нафар ўғил-қизини ўз бағрига олган 41-сонли умумтаълим мактаби атрофи ободонлаштирилиб, туман марказига олиб чиқади-ган таъмирталаб йўл шағаллаштирилаётгани, шундан 3 километр йўл қисми асфальтлаштирилаётгани аҳолини мамнун қилди. Булар қаторида ҳудуднинг ирригация-мелиорация тизимлари, газ ва электр таъ-миниоти билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш, бино



фасадларини таъмирлаш, тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш ҳамда янги ижтимоий объектларни қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Шу кунларда оқработликлар туман ободонлашти-риш бошқармаси ишчилари кўмағида маҳалла мар-кази ва кўчалардаги 500 тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахтларга шакл бериш ишларини бажаришмоқда. 200 нафардан ортиқ аҳоли эса ўз томорқа-лари, йўл ёқалари ҳамда бўш ётган ер майдонларида минг тупдан зиёд мевали ва манзарали кўчатларни ўтқазishaётганини қуриш мумкин.

Навоий вилояти

Чиркин иллатга жамиятимизда ўрин йўқ

Ҳилола ИСМАТОВА,
“O‘zbekiston bunyodkori”мухбири.

Коррупция чегара билмайди. Ушбу иллат жамиятдаги барча соҳаларга кириб, қадриятларни синдиради ва давлатга бўлган ишончни йўқотади, иқтисодий ривожланишни секинлаштиради.

Президентимиз ўзининг “Янги Ўзбекистон” тараққи-ёт концепциясида “**Жамиятдаги қонун бузилиши, адо-латсизлик, инсон ҳуқуқларига бепасанд муносабат, коррупция билан боғлиқ ҳолатларга бепарво қараб бўлмайди. Тизимли тус олган ёки жузъий муаммо бўладими, уларнинг барчасига дарҳол муносабат бил-дириб, тағига етиш ва ҳал этиш зарур. Коррупция бало-сини жамиятимиз ҳаётидан йўқ қилишга қаратилган сиёсат келгусида ҳам қатъий давом эттирилади**”, дея таъкидлади.

Ушбу фикрлар, халқ ва давлат ўртасида кўприк бўлган журналистлар олдига ҳам улкан вазифалар кўяди. Коррупцияга қарши жамоатчилик фикрини кўзғаш, иллат билан муросасиз кураш олиб боришда улар томонидан ёритилган материаллар муҳим аҳа-миятга эга.

Журналистларни қайта тайёрлаш маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши кура-шиш агентлиги ҳамкорлигида Навоий шаҳрида ташкил этилган “Фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш тўғрисида хабардорлигини оширишда оммавий ахбо-рот воситаларининг ўрни” мавзусидаги семинарда ана шуларга эътибор қаратилди.

Тадбирда журналистлар, блогерлар ва матбуот хизматлари вакиллари, ташкилотларнинг коррупция-га қарши курашиш ички аудит ва комплаенс назо-рат бўлими вакиллари иштирок этишди. Икки кун давом этган ўқув машғулотларида филология фан-лари доктори, медиатренер Наргис Қосимова, Ўзе-бекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги эксперти Садиржон Собиров, медиатренер Авазхон Хайдаровнинг мавзуни ёритишда журна-лист, фуқаролик жамияти ва блогерларнинг роли, ил-латга қарши курашда ижтимоий шериклиkning ўрни, пора билан боғлиқ ишларни ёритишнинг ўзига хос жиҳатлари, журналист суриштируви, мобил журна-листика каби мавзуларда амалий машғулотлар олиб борилди.

Шунингдек, иштирокчилар масс-медиа воситалари (видеороликлар, интернет ва бошқа ОАВ материал-лари) ёрдамида фуқароларнинг коррупцияга қарши муносабатини шакллантириш ҳамда ҳуқуқ-тарғибот идоралари билан ҳамкорлиқни самарали ташкил этиш усулларидан хабардор бўлишди.

Қашқадарё вилояти

Мактабгача таълимда давлат–хусусий шериклик тармоғи кенгаймоқда

Шухрат СУЯРОВ,
ЎЗА мухбири.

Сирдарё вилоятида давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим хизматларини кенгайтириш ва қамров даражасини ошириш бўйича бирмунча ишлар амалга оширилди.

– Ўзбекистон Республикаси Президен-тининг 2018 йил 5 апрелдаги “Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғриси-да”ги қарорига мувофиқ, вилоятда давлат-ху-сусий шериклик асосида нодавлат мактаб-гача таълим ташкилотларини ташкил этиш мақсадида Мактабгача таълим вазирлиги ва ташаббускорлар ўртасида умумий қувватни 7 795 ўринли 61 та битим тузилди ва 39 та ло-йиҳа учун банклар томонидан 101,4 миллиард сўм микдорига имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб молиялаштирилди. Шулардан 31 таки 3 минг 720 ўринли давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотидир, – дейди вилоят мак-табгача таълим бошқармаси бошлиғи ўрин-босари Гулбаҳор Парпиева.

Ўтган 2021 йилда вилоят бўйича мактаб-гача таълим соҳасида давлат-хусусий шерик-лик асосида умумий қуввати 1 165 ўринли жами 9 та нодавлат МТЛлар фаолиятини йўл-

Фурқат туманининг бир куни

Ҳаракатлар ўз натижасини беряпти

Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Фаргона вилоятининг Фурқат туманида ижтимоий-иқтисодий соҳалар, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги корхоналар ташкил этиш бўйича 4 та сектор раҳбарлари томонидан қилинаётгани ишлар таҳсинга лойиқ.

Жумладан, “Гунча” МФЙ ҳудудида жойлашган “Bulut textile” МЧЖ томо-нидан умумий қиймати 20 млн АҚШ долларлик аралаш иплар ишлаб чиқариш инвестиция лойиҳаси амал-га оширилса, 600 та иш ўрни ярати-лади. Ушбу корхонада айни кунларда қурилиш ишлари жадал олиб борил-моқда.

“Томоша” ёшлар кичик саноат зонасидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, “Узунчек” ёшлар ки-чик саноат зонасидаги дон ва дуккак-

ли маҳсулотларни қайта ишлаш ва экспортга йўналтиришга ихтисослаш-ган лойиҳалар амалиётга жорий эти-лиш баробарида 3-сектор ҳудудидаги ёш тадбиркорлар томонидан мошни қайта ишлаб, хорижий давлатларга экспорт қилиш йўлга қўйилди.

Шунингдек, “Темирийўлчи” кичик саноат зонасидаги “Мастона бўстони” МЧЖда қиймати 42 млрд сўмлик ун заводи ташкил қилиш лойиҳаси асо-сида қурилиш-таъмирлаш ишлари да-вом эттирилмоқда.

“Яхши ният” массивида ишлар қизғин

Ўтган 2021 йилда “Яхши ният” массивида 5 қаватли уй-жойлар қуриб битказилди ва замонавий турар-жой мажмуаси қад ростлади. Бундан ташқари янги йилда ушбу массивда яна 5 та 5 қаватли уй-жойлар қурилиш режалаштирилган. Ҳозирги кунда котлован қазиш ишлари олиб бориляпти.

Аҳолини арзон ва қулай уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш мақ-садида туманда ҳам “Янги Ўзбекис-тон” массивлари туркумида замо-

навий турар жой мажмуаси барпо этиш мақсадида яқинда ер майдони аниқланиб, лойиҳалар тайёрлашга қўл урилди.

Янги корхоналар ва лойиҳалар

Тадбиркорнинг 7,5 млрд сўм маблағи ва 2,5 млрд сўм банк кредити ҳисобига ташкил этилган “Ўмид парранда” МЧЖда бутунги кунда 40 минг бош товуқ боқилиб, йилга 14,4 миллион дона тухум етиштирилмоқда.

Корхона Германиядан келтирил-ган технологиялар билан жиҳозлан-ган. 2022 йилда 18,7 млрд сўм маблаг йўналтириш орқали товуқлар сони-ни 65 минг бошга ва йиллик тухум

етиштириш ҳажмини 23,4 донга етка-зиш режалаштирилган.

“Атлас Инвест Фурқат” МЧЖ томо-нидан эса Марказий Осиёдаги ноёб лойиҳалардан бири – ҳўжалик гугурти ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оши-риляпти. Лойиҳа доирасида ҳозир-ги кунга қадар 6 млрд сўмдан ортиқ маблаг ўзлаштирилиб, 45 нафар ишчи фаолият юритмоқда. 40 фоиэ техно-логиялар Хитой давлатидан олиб ке-линиб, ўрнатилган ҳамда лойиҳанинг 1-босқичи ишга туширилган.

Ҳокисор инсоннинг сеҳрли қўллари

“Қўқонбой” МФЙ ҳудудуда жойлашган, Ўзбекистон халқ устаси Муҳаммадали Юнусов раҳбарлигидаги “Ўста Юсуфжон наққош” оилавий корхонаси томонидан умумий қиймати 7 млрд сўмлик “Миллий хунармандчилик йўналишида ёғоч ўймакорлиги” инвестиция лойиҳаси амалга ошириляпти.

Мазкур марказда тез кунларда 1000 дан ортиқ ёшлар иш билан таъ-минланиши режалаштирилган.

Корхонада қурилиш ишлар яку-ний босқичга кирди. Баҳорнинг илк кунларида фойдаланишга топшири-лиш режалаштирилаётган ушбу мар-казда йилга 6 млрд сўмликдан зиёд қўл меҳнатига асосланган маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Шу ўринда устанинг фаолиятига бир назар. Самарқанд шаҳридаги До-ниёр мақбарасида 60 нафар шоғирд-лари билан 8 қиррали, 8 устунлик мил-

лий аркли айвон, Токентн шаҳридаги Ҳазрати Имом масжиди мажмуаси-нинг айвон устунлари, Юнусобод даҳа-сида қатагон қилинганлар хотираси-га қурилган музейнинг устунларини Муҳаммадали ака ўймакор нақшлар ишлаб безаган. Шунингдек, “Халқ ама-лий санъати” галерейсининг айлана айвон қисми, Самарқанднинг Ҳазрати Имом Исмоил Ал-Бухорий мажмуаси айвонлари қурилиши ва юртимизнинг кўплаб туманларидаги ёғоч ўймакор-лиги ишлари ҳам айнан мана шу хоки-сор инсоннинг қўлида сайқал топган.

Қашқадарё вилояти

Ижтимоий объектлар фойдаланишга топширилди

Шухрат НОРМУРОДОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Қарши туманининг “Чаман” МФЙда фаолият бошлаган 13-сонли мактабгача таълим ташкилотининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Айтиш лозимки, қаровсиз ва абгор ҳолатда бўлган мазкур бочга биноси 3 млрд 150 млн сўм маблаг ҳисобига тўлиқ қайтадан қурилган ҳолда барча шароитларни ўзида мукассам этди. Энди-ликда замонавий ва кўркам кўриниш олган ушбу болажонлар таълим даргоҳи 120 нафар кичкин-тойларни ўз бағрига қамраб оладиган бўлди. Шу ўринда яна бир муҳим жиҳат, мазкур ташкилот иш



бошлаши билан, 30 га яқин қишлоқ аҳолиси янги иш ўринларига эга бўлди.

Тумanning Губдин қишлоғида эса оилавий поликлиника янги бинода иш бошлади. Бинонинг очилишига бағишланган тадбирда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутасаддилари, туман ҳокимлиги ва тегишли ташкилотлар вакиллари, қишлоқ фаоллари иштирок этишди.



Мазкур бино қурилишига “Обод қишлоқ” дасту-ри асосида 1 миллиард 700 миллион сўм маблаг сарфланди. Ҳозирда замонавий тиббий жиҳоз ва усуналар билан таъминланган оилавий поликли-ника ҳудуддаги 20 минг 797 нафар аҳолига хизмат кўрсатади. Шунингдек, мажмуада тез тиббий ёр-дам шохобчаси ҳам фаолиятини бошлади.

– Янги бинода яратилган барча шароитлар ҳуку-матимиз тиббиётнинг бирламчи бўғинига қаратган катта эътиборнинг ёрқин ифодасидир, – деди поли-клиника мудири Муҳаббат Ҳаққиева. – Албатта, бу каби яратилаётган шароитлардан кўзланган мақсад, ҳудуд аҳолисига сифатли хизмат кўрсатиш билан бирга, инсон қадри тамойили асосидаги эзгу ташаб-бусларга ҳамоҳангдир.

Навоий вилояти

Уйчида кичик саноат зоналар

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Уйчи туманида учта кичик саноат зонаси барпо этилмоқда. Улар ҳудуднинг ишлаб чиқариш салоҳиятини янада ошириш имконини беради. Айни пайтда бу ерда ўнлаб лойиҳалар бўйича бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти.

– “Овчибулоқ”да 80,7 миллиард сўмлик 20 та объект қад кўтармоқда, – деди Уйчи тумани қури-лиш бўлими бошлиғи Дилшод Юлдашев. – Уларда 509 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Сармоиянинг асосий қисмини ташаббускорларнинг ўз маблағлари ташкил этади. Жалб этилган банк кредитлари қиймати эса 9,6 миллиард сўмга тенг.

Мазкур КСЗда ҳозиргача туртта – “Машад тўқув тест”, “Муборак пуре силк”, “Абдулвоҳид-Билол-Шамсиддин меҳнат” МЧЖлари ҳамда ҳўнар-мандчилик корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Шу аснода маҳалла ҳудуди янада ободонла-шиб, кўркам қиёфа касб этади. Бунинг учун махсус ишлаб чиқилган инфратузилмани ривожлантириш дастури амалга оширилади. Ҳудуддаги мактаб, ши-

фохона ва мактабгача таълим ташкилоти таъмир-ланмоқда. Маҳалла идораси учун янги замонавий бино қурилди. Барча йўллар тартибга келтирилиб, тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди.

“Овчибулоқ” кичик саноат зонасида шу кунлар-да бунёдкорлик ишлари кўлами тобора кенгайиб, 3,2 гектар майдонда умумий қиймати 99,5 милли-ард сўм бўлган 28 та лойиҳа устида иш олиб бориля-пти. КСЗдаги корхоналар битгач, камида 500 та янги иш ўрни юзага келади.

Шунингдек, “Ёркатай” кичик саноат зонасида эса 108,5 млрд сўмлик 26 та лойиҳа амалга оширилади. Ўтган йили “Қўмтепа” КСЗда ҳам қурилиш ишлари бошланди. Бу ерда 52 та истикболли лойиҳа амал-га оширилиши режалаштирилган. Уларнинг асосий қисми металлни қайта ишлаш асосида турли маҳсу-лотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашади.

Кичик саноат зоналари Наманган вилоятининг барча шаҳар ва туманларида бизнесни йўлга қў-йишнинг ишончли майдонига айланмоқда. Ҳозир 73 та шундай КСЗда 6,7 триллион сўмлик қиймат-га эга 1 154 та лойиҳа амалга оширилмоқда.Улар-нинг 1,4 триллион сўми ўзлаштирилиб, 257 нафар ташаббускор ишни бошлаб юборди.

МЕЪМОРЧИЛИКНИНГ келажаги қандай бўлади?



Ислом ИБОДУЛЛА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Замонавий қурилиш соҳаси шу қадар ўзгардики, бутун утопик қарашлар ҳам ҳақиқатга айланмоқда. Бу ўринда меъморликнинг келажаги қандай бўлиши барчага бирдек қизиқ бўлса керак. Хўш, эски пастқам пахса деворлардан бошланган ва ҳозирги кунда шиша қопламали осмонўпар биноларга туташ қурилиш маданияти эволюциясининг келажаги қандай бўлади?

Ўз уйинг – ўлан тўшагинг, деймиз. Уй – нима ўзи? Тахайюл қилсак, аслида уй-жой ўйлаганимиздан кўра анча мураккаброқ тушунча. Ўн минг йиллар бурун табиатнинг совуши ва атрофдаги вақший мавжудотлардан ҳимояла- ниш тадоригида аждодларимиз хавф-

сиз, мўътадил бошпаналарни ижод этишган. Даврлар силсиласи ортида уй-жойнинг аҳамияти шу қадар ортки, ҳозирги даврга келиб оддий бошпа- на қуриш ҳам маданиятдан санъатга айланди.

Одатда Миср эҳромлари, Регистон ансамбли ёки Европадаги бирорта го- тик-роман черков соборини кўрганда ҳайратланамиз. Ҳарна бугун худди шун- дай эҳром, мадраса ёки черковларни бир зумда қуриб битиришга қодир қу- рилиш технологияларига эга бўлсак-да, ҳайратимизга сабаб бўлган унсур – гло- бализация. Биз шиша қопламали ос- монўпар бинолар ёки қути шаклидаги гишт-бетон иншоотлар даврининг ки- шиларимиз. Бизга Дубайдаги юксак бинолар фавқулодда таъсир қилмасли- ги мумкин, чунки шунга ўхшаш бинони дунёнинг ҳар ерида учратамиз. Агар шу кунгача эски Миср, шарқ ёки готик-ро- ман услубидаги бинолар қуришда да-

вом этганимизда бизга ҳозирги тари- хий иншоотларнинг ҳам ҳеч қандай қизиғи бўлмасди.

Бу ўринда умумийлашаётган мо- дерн меъморликнинг келажагини ўйла- ганимиздан кўра, ўзгачароқ бўлишини тушуниш қийин эмас. Эндиликда дунё меъморлиги ижтимоийлашиб, янги те- хнологияларнинг жорий этилишига урғу бермоқда.

ВИРТУАЛ РЕАЛЛИК

Бу замонавий дунё меъморлиги, муҳандислик ва бинокорликда тез қўлланилаётган унсурдир. Келажакда меъморлик дизайнларининг ушбу те- хнологияларидан фойдаланган ҳолда реализация этилиши кутилмоқда.

Бу билан ҳали қуриб битказилмаган иншоотнинг кўринишини виртуал ре- аллик асосида тасаввур этиш мумкин бўлади. Шунчаки, махсус 3D кўзойнак

ёрдамида бино бўйлаб сайр қилиш им- конияти туғилади. Айтиш жоизки, ҳо- зирда ушбу технологиядан фойдалана бошланган. Шу пайтгача бирор бино лойиҳасини намойиш этиш учун аввал унинг кичик макети тайёрланиб кели- нарди.

АҚЛЛИ ШАҲАР

Ақлли шаҳар – бутун коммунал ва энергия тармоқларнинг истеъмолчи- ларга тақсимланган ҳолда тарқатила- диган турар жой пунктидир. Аслида, бу тип шаҳарларнинг илк кўринишлари ҳозирги кунда ҳам татбиқ этилмоқда. Аммо келажакда йирик шаҳарлар айни шу шаклда иншо этилади.

Дунё аҳолисининг ортиши натижа- сида табиий манбаларнинг етишмовчи- лиги муаммоси ўртага чикди. Натижа- да мавжуд энергия манбалари исроф бўлишининг олдини олишга киришил- ди. Шу мақсадда табиий газ, электр ва ичимлик сув аниқ миқдорда тақсим- ланган ақлли шаҳарлар келажак кент- лари бўлиши мумкин.

ИЖТИМОЙ – МАХСУС ЧЕГАРАЛИ ЯШАШ ПУНКТЛАРИ

Мазкур типдаги шаҳарчалар фақат махсус бир ҳудудда яшовчиларнинг истеъмолини таъминловчи пунктдир. Сўнгги йилларда янги технологиялар- нинг ривожланиши билан хизмат кўр- сатишнинг замонавий кўринишини ўзида жо этган микро шаҳарлар қури- лиши бошланди. Дунёга машҳур Google, Facebook ва LinkedIn каби компаниялар ўз коллективлари учун шундай микро шаҳарлар қурди. Ушбу бинолар қайта тикланувчи энергия каби ижтимоий фойда берадиган функциялар билан лойиҳаланмоқда. Аҳоли пункти, офис ва бошқа кўплаб хусусиятларга эга бўлган бинолардаги ортикча энергия қайтадан умумий фойдаланиладиган энергия боғига қўшилади.

Кўриниб турганидек, дунё меъ- морлигининг келажаги ҳозиргисидан бутунлай ўзгаради. Қадимдан иссиқ жой, тинч бошпана сидатида кўрлган содда уй-жойлар келажакда энергия сарфи билан узвий боғланиб, ижти- мий мураккаблик касб этади. Ҳозир- ги кунда поитхатимизда юқоридаги каби шаҳар типларига ўхшаш кичик "city"лар қурилмоқда. Бу бинолар уму- мий марказлашган энергия бошқаруви ва технологиялар билан таъминланган бўлади.

Электромобилларни қуёш станцияси ёрдамида юқори тезликда зарядловчи қурилма яратилди



Мухайё ТОШҚОРАЕВА,
Ўза мухбири.


Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан электромобилларни зарядловчи махсус қурилма лойиҳаси молиялаштирилган бўлиб, ушбу лойиҳа асосида Ўзбекистон иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда энергия сақлаш тизимига эга бўлган қуёш фотоэлектрик тизимлари орқали маҳаллий электр тармоғи билан параллел ҳолда ишлайдиган электромобилларни тез зарядлаш қурилмаси яратилди.

Бу ҳақда Инновацион ривожланиш вазирлиги матбуот хизмати маълум қилди.

Қайд этилишича, мазкур қурил- ма Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Қайта тикланувчи энергия манбалари миллий илмий-тадқиқот институти- нинг етакчи олими, техника фанлари доктори Нураддин Матчанов бошчи- лигидаги бир гуруҳ олимлар томони- дан ишлаб чиқилди.

Ушбу қурилма электромобиллар- ни тез, шунингдек, хавфсиз зарядлаш учун мўлжалланган.

Ўрта қувватли ва тақсимланган генерация объектларини ўрнатиш



билан шуғулланадиган хусусий тад- биркорлар электр автомобилларини зарядлаш хизматини кўрсатиш шохоб- чаларини ташкил этишда қўллашлари мумкин.

Лойиҳани бажариш жараёнида қуёш фотоэлектр станцияларини ўрна- тиш ҳамда марказий электр тармоқла- рига хавфсиз улаш учун ҳар бир стан- циянинг қуввати ва ҳар бир ҳудуд учун техник талаблар ишлаб чиқилади.

Қуёш фотоэлектр станциясини марказий электр тармоғига улаш учун техник шартлар бажарилгандан кейин ишончли ишлаш мезонлари яратилади.

Ушбу ишлар тўлиқлигича амалга оширилгандан сўнг соҳада республи- камизда малакали, етук мутахассис- лар тайёрлаш йўлга қўйилиши кутил- моқда.

Маълумот учун, қурилманинг АС кириш кучланиши: 380V ± 15%, тармоқ частотаси: 50 Гс ± 5%, чиқиш кучлани- ши эса: DC 200 ~ 1000V, чиқиш токи: 0 ~ 250А.

Зарядлаш тизими ўрнатилган тар- тибда сертификатлаш учун маълум бир вақт талаб этилади.

Сўнгра уни серияли ишлаб чиқа- риш йўлга қўйилади. Келажакда маз- кур лойиҳага инвесторларни жалб қилиб, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва республика бўйлаб ўрнатишни бош- лаш режалаштирилмоқда.

“Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati” МЧЖ Sirdaryo viloyati filiali

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ онлайн электрон аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога “Hududgaz Sirdaryo” газ таъминоти филиалининг 2022 йил 28 январдаги 36-01-23-10/253-сонли буюртманомасига асосан, қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Сирдарё вилояти, Оқолтин тумани, Шод-лик маҳалласи ҳудудида жойлашган қурилиш майдони – 2 021 квадрат метр, умумий майдони – 2 022 квадрат метрдан иборат бўлган Оқолтин тумани сервис маркази кўчмас мулк биноси. Бошланғич баҳоси – 482 570 000 сўм. 2. Сирдарё вилояти, Гулистон тумани, “Деҳқонобод” ШФЙ, Бинокор кўчаси ҳудудида жойлашган қурилиш майдони – 208 квадрат метр, умумий майдони – 5 000 квадрат метр-дан иборат бўлган Аҳолига маиший газ баллонларини сақлаш ва тарқатиш сервис мар-кази кўчмас мулк биноси. Бошланғич баҳоси – 478 960 000 сўм.	3. Сирдарё вилояти, Сардоба тумани, “Пах-таобод” ШФЙ, Файзлибод маҳалласи ҳудуди-да жойлашган қурилиш майдони – 267 квад-рат метр, умумий майдони – 2 000 квадрат метрдан иборат бўлган Маиший газ баллон-ларини сақлаш ва тарқатиш сервис маркази кўчмас мулк биноси. Бошланғич баҳоси – 460 370 000 сўм. 4. Сирдарё вилояти, Сайхунобод тума-ни, Гулистон маҳалласи ҳудудида жойлаш-ган қурилиш майдони – 191 квадрат метр, умумий майдони – 5 600 квадрат метрдан иборат бўлган суюлтирилган газ тарқатиш биноси кўчмас мулк биноси. Бошланғич баҳоси – 661 960 000 сўм. 5. Сирдарё вилояти, Ховос тумани, “Бўстон” МФЙ ҳудудида жойлашган қурилиш майдони – 1 350 квадрат метр, умумий майдони – 2 000 квадрат метрдан иборат бўлган Аҳолига суюл-	тирилган газ баллон тарқатиш сервис маркази кўчмас мулк биноси. Бошланғич баҳоси – 433 010 000 сўм. 6. Сирдарё вилояти, Ховос тумани, “Гул-бахор” МФЙ, Фарҳод-5 ҳудудида жойлашган қу-рилиш майдони – 1 222 квадрат метр, умумий майдони – 2 000 квадрат метрдан иборат бўл-ган Аҳолига суюлтирилган газ баллон тарқа-тиш сервис маркази кўчмас мулк биноси. Бош-ланғич баҳоси – 697 980 000 сўм. 7. Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, Бахт шаҳри, Ишонч маҳалласи ҳудудида жойлашган қурилиш майдони – 209 квадрат метр, умумий майдони – 1 851 квадрат метрдан иборат бўл-ган Аҳолига маиший газ баллонларини сақлаш ва тарқатиш сервис маркази кўчмас мулк бино-си. Бошланғич баҳоси – 708 600 000 сўм. 8. Сирдарё вилояти, Бёёвут тумани, Ма-даният маҳалласи, Саховат кўчаси ҳудудида	жойлашган қурилиш майдони – 326 квадрат метр, умумий майдони – 5 517 квадрат метр-дан иборат бўлган Суюлтирилган газ тарқатиш сервис маркази биноси кўчмас мулк биноси. Бошланғич баҳоси – 695 700 000 сўм. Аукцион савдо 2022 йил 4 март кuni соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги муд-дати: 2022 йил 2 март кuni соат 18.00 гача. Ари-залар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача туш-лик). Юқоридаги кўчмас мулклар 2022 йил 4 мартдаги аукцион савдода сотилмаган тақдир-да, такрорий савдолар 2022 йил 22 март ва 7, 25 апрель кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтка-зилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати савдо бўлишидан бир иш кун олдин соат 16.00 гача.	Савдо қолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 (ийгирма) банк иш кун ичيدا сотув-чи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбу-рияти юклатилади. Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 15 фои-зидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati” МЧЖ филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топиширун-га қадар тўлашлари шарт: 2260 4000 2053 3172 3001 “Давр банк” ХАТБ Амалиёт бошқармаси МФО 01121 СТИР 308 112 732. Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Ўзбекистон шохкўча-си, 3-уй. Телефон/факс: 97-340-22-69, 67-226-28-93. Электрон почта: online-auksion.uz
---	---	--	---	--

“Respublika mulk markazi” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Очиқ аукцион савдога “Тошкент шаҳар сув таъминоти” МЧЖнинг 2022 йил 28 январдаги 270/17-256-сонли буюрт-маномасига асосан, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Чарагон кўчаси, 51-уй манзилида сақланаётган қуйидаги ав-тотранспорт воситалари қўйилмоқда:		Аукцион савдо 2022 йил 16 февраль кuni соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2022 йил 14 февраль кuni соат 16.00 гача қабул қилинади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2022 йил 16 февраль кuni сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2022 йил 2, 16, 30 март ҳамда 13 апрель кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такро-рий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати савдо бўлишидан бир иш кун олдин соат 16.00 гача қабул қилинади. Савдо қолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбу-рияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ари-за, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузила-диган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “RMM” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2260 4000 2005 7145 2001 “Давр банк” ХАТБ Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш ман-зили: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй. Тел.: 71-237-23-86. 001805 рақамли гувоҳнома.
№	Автомототранспорт воситасининг ишлаб чиқарилган йили, давлат рақами, русуми)	Бошланғич баҳоси (сўм)
1.	1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 41 ЯД бўлган “ТТ3-100K” русумли трактор	6 808 000
2.	1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 883 LAA бўлган “УАЗ-374101” русумли автомашина	4 063 000
3.	2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 BA 569 бўлган “ТТ3-100” русумли трактор	7 040 000
4.	1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 BA 695 бўлган “ТТ3-100” русумли трактор	6 823 000
5.	1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 253 KBA бўлган “МАЗ-5549” русумли автомашина	14 049 000
6.	1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 687 BAA бўлган “КАВЗ-3271” русумли автомашина	4 749 000
7.	1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 039 BAA бўлган “ЭО-2621” русумли экскаватор	16 123 951,20

“O‘zbekinvest Hayot” МЧЖ СК
ягона таъсисчисининг 2022 йил 24 январдаги 5-сонли қарорига асосан устав фонди миқдори 16 503 203 000,00 сўм этиб белгиланди.
Жамият кредиторлари эълон нашр этилган санадан бошлаб 30 кун мобайнида жамиятдан мажбуриятларни бажариш ёки муддатидан аввал бекор қилиш ва етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эгалар. Манзил: 100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 36-уй.

“Respublika mulk markazi” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога “O‘RTA OSIYO TRANS GLS” МЧЖнинг 2022 йил 31 январдаги 95-сонли буюртманомасига асо-сан, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сайфи Олимов кў-часи, 24-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранс-порт воситалари қўйилмоқда:

№	Автомототранспорт воситасининг ишлаб чиқарилган йили, давлат рақами, русуми	Бошланғич баҳоси (сўм)
1.	1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 277 GBA бўлган “Мерседес Бенц 1838 LS” русумли автотиркагич	33 221 259
2.	1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 164 UAA бўлган “Мерседес Бенц 1935 S” русумли автотиркагич	31 350 645
3.	1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 721 MAA бўлган “Мерседес Бенц 1935 S” русумли автотиркагич	45 381 708
4.	1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 741 MAA бўлган “Мерседес Бенц 1935 S” русумли автотиркагич	39 377 664
5.	1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 835 MAA бўлган “Мерседес Бенц 1935 S” русумли автотиркагич	44 043 993
6.	1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 902 DCA бўлган “Мерседес Бенц 1935 S” русумли автотиркагич	51 944 400
7.	1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 916 QAA бўлган “Мерседес Бенц 1935 S” русумли автотиркагич	40 110 300
8.	1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 3159 AA бўлган “Изотермический” русумли яримтиркама	19 598 400

№	Автомототранспорт воситасининг ишлаб чиқарилган йили, давлат рақами, русуми	Бошланғич баҳоси (сўм)
9.	1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 2158 AA бўлган “Изотермический” русумли яримтиркама	13 589 100
10.	2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 089 ZBA бўлган “DAEWOO Magnus” русумли енгил седан	30 421 008

Аукцион савдо 2022 йил 16 февраль кuni соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризалар-ни қабул қилишнинг охириги муддати:** 2022 йил 14 фев-раль кuni соат 16.00 гача қабул қилинади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2022 йил 16 февраль кuni сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2022 йил 2, 16, 30 март ҳамда 13, 27 апрель кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун ариза-ларни қабул қилишнинг охириги муддати савдо бўлишидан бир иш кун олдин соат 16.00 гача қабул қилинади.

Савдо қолиби деб топилган шахсга 10 кун ичиди со-тувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакил-лар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “RMM” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2260 4000 2005 7145 2001 “Давр банк” ХАТБ Олма-зор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

Тел.: 71-237-23-86.

001805 рақамли гувоҳнома.

ТАЛАБА ҚИЗ УЧУН МАГИСТРАТУРА АЛЛАҚАЧОН НАҚД

Райхона ХҲЖАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бу қизни таниганимга кўп бўлмади. Аммо Тошкент архитектура-қурилиш институтида қандай тадбир ёки танлов бўлмасин, у албатта, ғолиб ва иштирокчилар сафида бўлади. Бир қарасангиз, "Янги аср истеъдодлари" танловига ҳужжат топшириб юрган бўлса, бошқа сафар иқтидорли талабалар учун жорий қилинган стипендия учун номзодлар сафида туради. Бундан ташқари, институтнинг энг фаол, аълочи, илғор талабаси сифатида барча фанларни кўнгил билан ўрганади. Ёшгина бўлиб, бунча ишга қандай улғурар экан-а, дея кўп ўйлардим. Гулчеҳра билан яқиндан танишган, унинг нафақат иқтидорли талаба, балки ҳаракатчан, мақсад сари интилишдан тўхтамайдиган, орзулари сари дадил оқимлайдиган ташаббускор қиз эканлигига ҳам амин бўлдим.

Айни пайтда Гулчеҳра Мелибоева Тошкент архитектура-қурилиш институти, Архитектура факультети 4-босқич талабаси. У ўзининг одоби, тўғрисиёлиги, ҳаракатчанлиги билан институт жамоаси орасида ҳам ажралиб туради. Устозларнинг фахр билан айтишича, у ҳар бир топшириқни ўз вақтида ва чуқур ёндашган ҳолда бажаради. Гулчеҳра институт ва республика миқё-



сида ўтказилган ижодий танловлар, илмий-амалий анжуманлар, кўرғазма ва бошқа маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Айниқса, ўтган 2021 йил у учун улкан омадлар йили бўлди. "Интерьер ва ландшафт дизайни" фанидан ўтказилган Республика фан олимпиадасида фахрли 1-ўринни эгаллади. Бундан ташқари, Қурилиш вазирлиги томонидан ўтказилган "Янги аср истеъдодлари - 2021" Республика қўриқ-танловида ҳам "Энг

яхши тасвирий ва амалий санъат асари" ва "Энг яхши интерьер ва ландшафт дизайни" номинацияси бўйича иштирок этиб, иккаласида ҳам ғолибликни қўлга киритди. Унинг яна бир катта ютуғи – Камолиддин Бехзод номидаги давлат стипендиясига сазовор бўлгандир. "Дизайн" (турлари бўйича) йўналишида иштирок этиб, стипендия соҳибаси бўлган талаба қиз учун аллақачон магистратура нақд. У нафақат стипендия, балки магистратурага имтиҳонларсиз кириб, давлат грантида ўқиш имконини ҳам қўлга киритди.

Шунингдек, ўтган йили VI Халқаро ёш дизайнерлар форумида "Ландшафт" номинацияси бўйича фахрли 2-ўрин ва "Общественный интерьер" номинациясида ҳам 2-ўринни эгаллади. "Оролбўйи минтақаси архитектура муҳитининг ривожланиш муаммолари ва инновацион ечимлари" мавзусида Республика илмий-амалий анжуманга бағишланган "Энг яхши фито композиция дизайни" йўналишида жамоаси билан қатнашиб, 1-ўринни қўлга киритди. "Мамлакатимизнинг янги архитектуралар кифасини яратинг" мавзусида ўтказилган "UPGRADE" архитектура ва шаҳарсозлик лойиҳасида ҳам жамоаси билан 1-ўринни эгаллади ва Республика финал босқичига йўланмани қўлга киритиб, айни пайтда сўнгги босқичга тайёргарлик кўрмоқда. Қолаверса, бу тийиб-тинчимас қиз "Йил талабаси - 2021" Республика танловининг институти босқичида "Йилнинг энг фаол билимдон талабаси" йўналишида 2-ўрин ғолибаси ҳам.

– Болаликдан расм чизишга қизиққанман, – деди Гулчеҳра биз билан суҳбатда. – Тўғриси айтсам, мактабда ҳамма дарсда фақат расм чизиш ўтирганам учун ўқитувчиларимдан доим танбەҳ эшитардим. Ота-онам қизимизнинг иқтидори шунчаки ҳавас бўлиб қолмасин, деб мени тасвирий санъат тўғрақларига беришган. Мактабдан келишимга дадам мен учун телевизорда рассомлар ижоди ҳақидаги кўрсатувларни қўриб, кичкина қоғозчага керакли маълумотларни ёзиб, "Имтиҳонга кирганингда керак бўлади" деб берарди. Онам эса ижодимнинг илк мухлисаси. Ота-онам ҳар доим мени қўллаб-қувватлашган. Бирор марта ҳам "Қиз бола ўқиб шаҳар олиб берармиди?" деб айтишмаган. Астойдил ўқиган, ўқийман деган инсонни яхши қўриб, ҳурмат қилишади. Улар – менинг биринчи устозларим.

Шунча ютуқларни қўлга киритган Гулчеҳранинг камтарлиги бекорга эмас экан. Зеро, оилавий муҳит, ота-онанинг доимий қўллаб-қувватлаши ва кўмагида гап кўп. Қолаверса, Гулчеҳра Юнусовод касб-хунар коллежиди ҳам дизайн-ерлик йўналиши бўйича ўқиган. Унинг айтишича, дизайн-ерлик йўналишига айнан шу коллеждаги устозлари туфайли қизиқишни уйғонган.


Дизайнерларда кераксиз нарса деган сўзнинг ўзи йўқлигини ва ҳамма буюмлардан антиқа нарсалар яратишни, ҳаёлан биноларнинг ички муҳитини тасаввур қилиб, уни амалда лойиҳалашни коллеждаги устозларимдан ўрганганман, – дейди қаҳрамонимиз.

– Институтда бу йўналишни янада мукамал ўрганишман. Бунинг учун устозларимдан миннатдорман. Келажакда дизайн соҳасини чуқурроқ ўрганиб, шу соҳада фаолият юритишни, билимларимни иқтидорли ёшларга ўргатишни мақсад қилганман. Бу ниятим яқинда пайдо бўлган, аммо ўқитувчилик касбини азалдан ҳурмат қиламан. Кимдир мендан нимадир сўраса, ўрганса, фақат хурсанд бўламан. Бу мени янада кўпроқ ўрганишга, изланишга ундайди. Институтда олган билимларимни яна ҳам мукамал ўрганиб, келгусида талабаларга таълим беришни хоҳлайман. Бундан ташқари, келажакда интерьер ва ландшафт дизайнери бўлиб фаолият юритиш ниятим ҳам бор.

Ҳали талаба бўлишига қарамай, ҳозирда устози Зафар Матиязов билан биргаликда диплом иши устида қизгин ишлаётган Гулчеҳра шахримиздаги турли ижтимоий объектлар лойиҳасини ҳам яратмоқда. Хусусан, диплом иши сифатида Чилонзор туманидаги 7-туғруқ комплексини яратётган устоз-шоғирлар бўлажак оналарнинг нимани хоҳлашини кўпроқ, иноватга олишганини таъкидлашди. "Бу лойиҳанинг янгилиги нимада?" деган саволимизга талаба қиз ҳамма нарса энг аввало, бўлажак оналарга қўлай бўлиши кўзда тутиб яратилганлигини айтди. Бунда рўйхатга олишдан тортиб, санузелгача ҳаммаси пухта режалаштирилади.

Гулчеҳра пойтахтда туғилган бўлсада, ота-онасининг асл ватани – Сурхондарёга ҳам тез-тез бориб туради. Ўзининг айтишича, тарихий обидалар ва зиёратгоҳларни ўрганиш, уларни замонавий архитектура қиёфасини яратиш унинг сеvimли машғулот.

Самарқанд, Бухоро Хива каби тарихий шаҳарлар қиёфасини янада ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшишни ният қилган бу ёш дизайнернинг келгусидаги ишларига биз ҳам омад тилаб қоламиз.



БУ – ҚИЗИҚ!

Япониянинг Сува шаҳрида оқова сув тизимидан олтин қазиб олинади

Шаҳарда электроника воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар жуда кўп бўлиб, уларда олтин қоришмаси мавжуд хомашёдан кенг фойдаланилади. Сув оқова тизимига оқадиган элек-

троника чиқиндиларини ёқиш орқали қимматбаҳо металл олиш мумкин.

Мутахассисларнинг фикрича, тизимда ҳосил бўладиган 1 тонна кул таркибида қарийб 2 кг олтин мавжуд.

Коммунал факт



Америка Қўшма Штатларида кўчмас мулк солиғи йилига бир марта тўланади. Солиқ уй-жой умумий нархининг маълум фоизини ташкил этади. Ушбу тўловни тўламаганлик учун жарима жуда оғир бўлиб, бу ўрта ҳисобда ҳар бир кечиктирилган кун учун 25-50 долларни ташкил этади.

Шунингдек, коммунал хизматлар учун харажатлар штат ва шаҳарларда бир-биридан фарқ қилади. Бу кўпгина омилларга – нархларнинг умумий даражаси, аҳоли даромадлари ҳамда иқлимга боғлиқ. Ёзи иссиқ, қиши совуқ бўлган ҳудудларда электр энергияси нисбатан қимматга тушади. Шунга мувофиқ, қиш ойларида электр энергияси учун тўлов 30-40 фоизга камайитирилади.


ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

ПОЛИИЗОЛ

Полиизол – асосий функцияси биноларни сувдан сақлашни аъло даражада бажарувчи маҳсулот. Лаборатория тадқиқотлари ва ундан фойдаланиш тажрибаси натижалари бу маҳсулотнинг мустаҳкамлиги ҳамда кўпга чидамлилигини тасдиқлайди. Полиизол – томга ёпиш ва гидроизоляция учун қиздириб ётқизиладиган турдаги маҳсулот бўлиб, у чирмайидиган (каркасли шиша мато) асосга эга. Унга юқори сифатли СБС (стирол-бутадиен-стирол) ва АПП (атоктик полипропилен) модификацияланган битум полимер боғловчиси суртилган. СБС ва АПП материалга юқори физикавий ва механик хусусиятларни бериб, полиизол билан ёпилган томларнинг узоқ муддат турли ҳароратда мустаҳкамлигини таъминлайди.

Бу материал турли фойдаланишдаги бино ва иншоотларнинг томини ёпиш, фундаментлар, кўприклар, тоннелларни гидроизоляция қилиш учун ишлатилади. Ундан ҳам янги, ҳам эски томларни таъмирлашда бирдек фойдаланиш мумкин. Полиизол гидроизоляция ва том қопламаларининг пастки қатлами учун икки томонлама полимер плёнкаси билан қопланган, йирик донали юзаси қизил, яшил ёки кул ранг гранулалар ёки фольга шаклида ишлаб чиқарилади. Том қопламаларининг юқори қатлами учун эса ўта юқори чидамли каркасли шишали мато асосида яратилади.

Полиизол эски қопламаларни тикловчи таъмирлашларда бир қаватда, янги том ёпиш қопламалари ёки капитал таъмирлаш ишларини амалга оширишда икки қаватда унинг юза қисмини газли ҳаво гарелкалари ёрдамида эритиш



орқали ётқизилади. Материалнинг пастки тарафига термодинамик индикатор – материални ишлатишга тайёрглиги ҳақида дарак берувчи компания логотипи туширилган. Шу сабабли, материални иситишни маромига етказмаслик ёки қиздириб юбориш жуда мураккаб. Замонавий архитектура талабларига жавоб берувчи, ҳимоя қопламаси тузилиши устки қатлам ва гидроизоляцияциянинг очик участкаларида ташқи кўринишга ортиқча харажатларсиз қўлланишга имкон беради.

Маҳсулот эни 1000 мм, узунлиги 10 000 мм (қатлам қалинлиги 2 мм – 15 000 ммгача) ўлчамда ишлаб чиқарилади. Саноят ва оддий қурилишларда, турли биноларнинг устки қопламаларни таъмирлашда, шунингдек, кўприкларнинг очик тузилмалари ва вентиляция шохта, бассейн ва ертўлалар каби муҳандислик қурилмаларининг гидроизоляцияси учун қўлланилади. Ўрта Осиё иқлим шароитига ниҳоятда мос келади.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Февраль ойининг илк кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК кадрлар масалалари бўйича инспектор **Дилором Шамағдиева**, иқтисодчи **Адҳам Астанов**,

Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани қурилиш бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Шарапатдин Бердимбетов**, Шуманай тумани қурилиш бўлими шаҳарсозлик қонунчилигини роя этиш устидан назорат олиб бориш бўйича архитектор **Ажияна Жанабаев**, "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Қорақалпоғистон Республикаси филиали етакчи мутахассиси **Тенизбай Хожамбергенов**,

Наманган вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими инспекторлари **Акмал Юлдашев**, **Толибжон Обидинов**,

"Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Тошкент вилояти филиали компьютер техниги **Бахтиёр Абидов**,

Хоразм вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бухгалтери **Юсуфбой Худайбергенов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сихат-саломатлик, узок умр, оилавий хотир-жамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!



ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Тахрир ҳайъати раиси),
Козим Туяганов,
Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов, Юлдаш Мағрупов,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир уринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусахҳиҳ **Марҳамат Мусулмонкулова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари»
уюшмаси, «ЎзГАСҲКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ,
«ЎзгеоангметЛИТИ» ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар:
71-244-21-71 (кабулхона),
71-244-15-13 (қотибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@gmail.uz

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23,
90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-243.
2321 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоиси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Тахририятга келган қўлзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
А. Ҳақбердиев.

Навбатчи – И. Ибодулло.

Ўза якуни – 23.30.
Топширилди – 00.10.